## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 230-ҳадис

* وروينا في سنن أبي داود، والترمذي، عن نوفل الأشجعي رضي الله عنه، قال: قال لي رسول الله صلى الله عليه وسلم: "اقرأ (قل يا أيها الكافرون) ثم نم على خاتمتها فإنها براءة من الشرك".

230/14. Навфал ал-Ашжаий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«(Ухлашга шайланганингда), «Қул йа аййуҳал кафирун»ни ўқи, сўнгра тугатиб ўқи, чунки у ширкдан узоқ қилади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.

* وفي مسند أبي يعلى الموصلي، عن ابن عباس رضي الله عنهما، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: "ألا أدلكم على كلمة تنجيكم من الإشراك بالله عز وجل، تقرأون (قل يا أيها الكافرون) عند منامكم".

Абу Яъло Мувсилийнинг «Муснад»ларида Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳга ширк келтиришдан сақлайдиган калималарни ўргатайми? Ухлашга шайланган пайтингизда «Қул йа аййуҳал кафирун»ни ўқинглар**», деганлар.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI